



ТОШКЕНТ ОҚШОЖИ

XXI саҳоси
Барча маъналардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Президентини** Ислам Каримов **Кеча** Оқсаройда Япония Бош вазирининг махсус вакили, ушбу мамлакат ҳукуматининг собиқ раҳбари Йоширо Морини қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.
- Мамлакатимизга ташир буюрган Япония Бош вазирининг махсус вакили Йоширо Мори бошчилигидаги делегация вакиллари **Кеча** япон ҳарбий асирлари хотирасига пойтахтимиздаги Яққасарой туманида бунёд этилган ёдгорликни зиёрат қилди. Шунингдек, меҳмонлар Тошкентнинг қатор диққатга сазовор жойларини, ўзаро ҳамкорликда қурилган ва ташкил этилган айрим иншоот ва муассасаларни ҳам бориб кўрди.
- Тошкент Автомобиль йўллари институтида «Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш XXI асрда жамият тараққиётининг долзарб йўналишидир» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ташкил этилганлигининг 10 йиллигини нишонлаган республика байналмилал маданият маркази ушбу кўргазма ташкилотчиси бўлди.
- Ўзбекистон педагогик кутубхоналар республика ассоциацияси тўзилди.
- Фарғона биржа маркази залида виллоят корхоналари ва кичик ҳамда ўрта бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий ҳаракатдаги ярмаркаси очилди.
- Жиззах вилоятида «Энг намунали туман, ўз-ўзини бошқарув органлари, кўчалар» номи олиш учун кўрик-танлов эълон қилинди. Ҳомийлар кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш учун «Волга», «Тико» автомашиналари, кажавали мотоцикл ажратди.
- **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ўзбекистонлик спортчиларнинг Солт-Лейт Ситида ўтказиладиган Киши Олимпиада йўнларига қўрилаётган тараққуларни қўллаб-қувватлаш, Киши Олимпиада йўнларига мамлакатимизнинг олти вакили иштирок этади. Шулардан тўрт нафари фигурали учиб бўйича, икки нафари эса тоғ-чанги спорти бўйича ўз маҳоратини намойиш этади.
- «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида БМТнинг жорий йили Халқаро экотуризм йили, деб эълон қилгани муносабати билан «Экотуризм — атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланиш омили» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 7 (9.657) 2002 йил 16 январь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

**РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ
МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ
10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИГА**

Ҳурматли ватандошлар!
Қадри дўстлар!
Сизларни ва бугун кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганнинг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хар бир давлат, хар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғли мустақкам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилиши барчамизга яхши маълум.

Шу муносабат билан мен сизларга мурожаат қилиб, алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Бугунги кунда диёримизда яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортик миллат ва элат вакилларининг давлатимиз мустақиллигини мустақкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон заминиди турли маданият ва цивилизациялар вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келгани халқимиз табиятига хос бўлган меҳр-оқибатлик, тинчликсеварлик, очкилик ва савоатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайдми.

Хозирги мураккаб ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг демократик жамият қуриш йўлидаги интилизларимизда бундай бебаҳо фазилатлар, айниқса, бағрикенглик нечоғли муҳим ўрин тутишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун онгу тафаккуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйғуси бизга бекиёс куч-қувват бахш этмоқда, узқонки кўра биллишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашмоқда. Бу туйғу, аждод-

ларимизнинг ҳаётида бўлгани каби, даврнинг машаққатли синовларини биргаликда энгиб ўтишда, турли хавф-хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда хозирги авлодлар учун ҳам руҳий мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати, ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз. Шундай экан, биз бу саховатли юрт бойликларини сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, энг муҳими, ўзаро тотувлигимизни, ягона мусавво осмон остида яшайдиган барча миллат ва элатлар асрлар давомида эъзозлаб келаётган, барчамизнинг руҳан бойишимизга хизмат қиладиган маънавий ва ахлоқий қадриятларни доимо ёдда тутиш, кўз қорачиғидек асраш лозимлигини асло унутмаслигимиз даркор.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қиладиган хар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустақкам пойдеворини бунёд этган бўламиз.

Мен сизларнинг турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустақкамлаш, одамлар ҳаётини янада бой ва мазмунли қилиш борасида олиб бораётган хайрли фаолиятинингизни бундан буён ҳам собитқадамлик билан давом эттиришингизга қатъий ишонаман.

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона Ватан туйғуси келажақ авлодларимиз учун ҳам асрлар оша энг олий ҳақиқат бўлиб қолсин.

Барчангизга халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган олжаноб ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қадрдонларим, сизларга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ёр бўлишини, янги йилда барча истақларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламан.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қиладиган хар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустақкам пойдеворини бунёд этган бўламиз.

Ислам КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганнинг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни янада мустақкамлашга, ёш авлоднинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик гояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»
Селеверстова Надя Георгиевна — Хоразм вилояти 1-спорт мактаби мураббийси, рус миллий-маданий маркази

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»
Нурматов Муножотхон Кўчқоровна — Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари. Тошкент шаҳри

Миллий маданият, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қондириш йўлидаги самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан
Бегимбетова Нури Айтбаева — «Прогресс» таълим ва тараққиёт маркази директорининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозоралиев Маъмуржон — Тошкент вилояти Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири ўринбосари, қирғиз миллий-маданий маркази

Лян Ревмир — тадбиркор, Фарғона вилояти корей миллий-маданий маркази раиси

Расулов Карим Расулович — Республика байналмилал маданият маркази директори, Тошкент шаҳри

Султонов Бекпулат — нафақахўр, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази раиси

Толбаев Умирзах Полатович — Жиззах вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раиси

Эрматов Шарофатхон — «Ўзтелерадио» компанияси «Дўстлик» студиясининг бўлим мудири, Тошкент шаҳар «Ориёна» тожик миллий-маданий маркази раиси ўринбосари

«Шўхрат» медали билан
Галушенко Ирина Георгиевна — Тошкент Давлат консерваторияси кафедра мудири, украин миллий-маданий маркази

Гаруянц Владимир Каспарович — нафақахўр, Самарқанд вилояти «Луис» арман миллий-маданий маркази раиси

Жаунис Альгердас Броняус — нафақахўр, Тошкент шаҳар Литва миллий-маданий маркази раиси ўринбосари

Тодоров Николай Михайлович — Республика «Болалар» жамғармаси қошидаги «Меҳр таянчи» жамғармаси директори, Тошкент шаҳар болгар миллий-маданий маркази раиси

Халитов Рафаил Нигматович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси матбуот маркази бош муҳаррири, Зарафшон шаҳар «Нур» татари-бошқирд миллий-маданий маркази ҳамраиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2002 йил 14 январь.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари тинчлик-осойишталикда ягона оила фарзандларидек аҳилу иноқ яшамоқда. Уларнинг эмин-эркин меҳнат қилиши, санъати ва маданиятини, ўзига хос урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Республика байналмилал маданият маркази ана шу миллат ва элатларнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнаётди.

Шу кунларда мазкур марказ ташкил этилганнинг 10 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида ушбу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табригини Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганнинг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари Ватанимизнинг

фахрий унвонлари ҳамда орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда уларга ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз бўлган саховатли юрт бойликларини асраб-авайлаш ва кўпайтириш билан бирга, миллатлараро тотувликни мустақкамлаш, беғубор осмонимиз остида яшаётган барча миллат ва элатларнинг азалий маънавий ва ахлоқий қадриятларини янада бойитиш ва ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар мухайё экани таъкидланди. Бу борада 120 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатгани халқимизнинг бағрикенглиги ва ўзга миллатларга ҳурмат билан муносабатда эканининг эркин намунаси.

Тадбирда Хоразм вилоятидаги 1-спорт мактаби мураб-

МИЛЛИЙ ҒОЯ — БИЗНИНГ ҒОЯ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг тинчлиги ва барқарорлиги халқимизнинг энг қадри ва азиз бойлиғидир. Ушбу фикр йил давомида пойтахтимиз ва республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтган мунтазам «Миллий ғоя — бизнинг ғоямиз» мавзусидаги семинарнинг асосий ғоясига айланди. Семинар Республика байналмилал маданият маркази томонидан виллоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Семинарнинг Тошкентда ўтказилган якуний мажлиси мамлакатимизда кенг нишонланаётган Республика байналмилал маданият марказининг 10 йиллигига бағишланди. Унда миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, Ўзбекистон жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов бошқарди.

Тадбирда миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлик мустақиллик йилларида халқимизнинг кўлга киритган асосий ютуқларига айлангани ҳақида сўз борди. Бугун республикада 136 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар — Ўз Ва-

хотларни амалга оширишда энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлди. Мустақил давлатимиз ташкил этилгандан сўнг кўплаб миллат вакиллари маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини тиклашда ёрдам берган миллий-маданий марказларнинг ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Бугун республикада 120 та ана шундай марказ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётди. Турли миллат вакиллари жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўлиши ғояси асосида жипслаштиришда мазкур марказларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Бундан 10 йил илгари ҳукумат қарори билан ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турибди.

Мажлишда бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида содир бўлаётган низолар,

қуролли тўқнашуларга олиб келадиган миллатлараро муаммолар юзга келадиган бир пайтда республикамиздаги фуқаролар тотувлиги ва тинчлиги айниқса муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунинг учун кўп миллатли халқимизнинг асосий орзу-умидлари тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустақкамлаш, ёш авлоднинг миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга қаратилган.

Йил давомида ўтказилган семинарларда кенг жамоатчиликнинг минглаб вакиллари иштирок этди. Ушбу семинарлар аҳолининг ижтимоий фаолиятини ривожлантиришга, мамлакатда миллатлараро тотувликни мустақкамлашга ёрдам берди. Мажлишда бундай семинарларни бундан кейин ҳам давом эттириш зарурлиги ҳақида сўз борди.

Мажлишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Хусниддинов сўзга чикди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Жаҳонда

Кеча Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилди. Шу муносабат билан шаҳар марказидаги Тавосот кўчасида жойлашган консулхона биносиди Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилиги вакиллари, маҳаллий ва кўплаб хорижлик журналистлар тўпландилар. Илгари ҳам шу бинода Ўзбекистон бош консулхонаси жойлашган бўлиб, тобора ишгол қилгандан кейин ёпилган ва вайрона ҳолига келган эди. Бино қисқа вақт ичиди аввалгидан ҳам кўркам бўлиб қайта қад ростлади.

АҚШ ҳарбий-ҳаво қўчалари самолётлари Афғонистоннинг Завар ҳудуди яқинида жойлашган «Ал-Қайда» экстремистик ташкилотига қарашли ҳарбий машғулот лагерларини бомбардировка қилган.

Афғонистон ҳукумати биринчи рақамли террорчи Усама бин Ладин ва толиблар етакчиси Мулла Умарга ўлим жазоси тайинлашга тайёргилини билдирган. Бу ҳақда яқинда лавозимга тайинланган Афғонистон олий суди раиси Фозил Хади Шинварни маълумот берган. Унга кўра, агар бин Ладин ва Мулла Умарни судга топширишининг имконияти туғилса, уларга ўлим жазоси тайинлиши муқаррар.

Эроннинг ИРНА агентлиги тарқатган хабарга кўра, мамлакат Президентини Муҳаммад Хотамий ва Афғонистон муваққат ҳукуматининг раҳбари Хамид Карзай ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтган. Суҳбат асосан иккала давлат ўртасидаги муносабатлар теварағида бўлган. Хамид Карзай Эрон томонининг ўз мамлакатига қўрсатган моддий ва маънавий ёрдами учун миннатдорчилик билдирди.

АҚШ Президенти Жорж Буш Эрон ҳукуматидан Афғонистондан қочиб бу мамлакатда паноҳ топан экстремистларни АҚШга топширишни сўраган. Бирок Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий унинг мамлакатиди бундай шахслар мавжуд эмаслигини билдирган.

Афғонистон муваққат ҳукумати икки юз минг кишилик қўшинга эга бўлган ягона миллий армия тўзқонди. Мамлакат мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, армия асосан қўнгиллилардан таркиб топади.

Афғонистон ҳукумати халқаро ҳамжамиятдан мамлакатга қўрсатилган инсонпарварлик ёрдами ҳажмининг оширишни сўради. Мамлакат иқтисодийни тиклаш вазирини Муҳаммад Аммининг айтишича, Афғонистон ўн йил ичиди оёққа туриб олиши мумкин. Бунинг учун 45 миллиард АҚШ доллари микдорига маблағ зарур бўлади.

Бразилия Президенти Фернанд Энриқи Кардозининг Россияга таширифи яқунланди.

Фаластин раҳбари Есир Арофат жаҳон ҳамжамиятини Исроил ҳарбийлари ҳаракатларини тўхтатишга чакирди.

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес расмий Тель-Авив Яқин Шарққа халқаро кузатувчилар жойлаштиришга қарши эканини яна бир бор маълум қилди.

Фаластин раҳбари Есир Арофат Исроил махсус хизмати томонидан Қизил денгизда ушланган қурол-яроғ орттилган кемага умуман алоқаси йўқлигини яна бир бор расман баён этди. Унинг айтишича, бу ҳаракат айрим сиёсий кучлар томонидан фаластинликларга қарши босқинчиликни янада кучайтириш мақсадида уюштирилган.

Германия ва Жибутини ГФР ҳарбийлари Афғонистон мазкур мамлакатига жойлаштириш тўғрисида битим имзолади.

Япония Бош вазири Даюнъитиро Коидзуми Хитой, Жанубий Корея ҳамда Жануби-шарқий Осиё узоқсизига аъзо давлатларини минтақада ягона ҳамжамият тузишга чакирди. Келажакда бу тузилмага Австралия ва Янги Зеландия ҳам қўшилиши мумкин, деди у.

Миср Президенти Хусний Муборак Ироқ ҳукуматини БМТ билан ҳамкорликни тиклашга чакирди. Бу АҚШнинг халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Ироқ ёки араб давлатларида ўтказиши қўтилаётган ҳарбий операциясининг олдини олишга ёрдам беради, деди Президент.

Кеча Пентагонда АҚШ ва Россиянинг юқори мартабали ҳарбийлари ўртасида АҚШнинг 1972 йили имзоланган ракета ҳужумига қарши ҳимояланган шартномасидан чиқиши масаласи юзасидан музокаралар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилоти ҳисобланган ЮНЕСКО томонидан 2001 йилда таъсис этилган «Тинчлик устуни» соврини билан мукофотланди.

Австралия очик чемпионати беллашувларида қатнашаётган Ўзбекистонлик иқтидорли теннисчи Ирода Тулаганова мукофот жамғармаси 8,6 миллион АҚШ доллари микдорига бўлган мазкур турнирда аргентиналик Мария Эмили Салерни 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Дунё таснифида йигирмани ўринда бораётган Ирода Тулаганова навбатдаги босқичда мусобақа дебютанти, россиялик Светлана Кузнецовига қарши қоркта чиқди.

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерациясини 2001 йил бўйича жамоалар рейтингини эълон қилди. Жумладан, халқаро федерация томонидан Ўзбекистоннинг икки жамоаси — беш карра мамлакат чемпиони — Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси дунё бўйича 158-ўринга, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса 194-ўринга лойиқ деб топилди.

Харидор дидига мос

Республикамизда бири-бирдан гўзал мебель дўконлари ва уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Аммо, гоҳида бу жиҳозларни харид қилишда ўйланиб қоламиз. Чунки биз яшаётган кўп қаватли уйлارнинг ҳам-масининг ҳам хоналари кенг эмас. Албатта, шундай пайтлари: «Кани эди, мебелсозларнинг ўзлари хонани кўриб унга мос равишда керакли жиҳозлар тайёрлаб беришса», дея беихтиёр кўнглингиздан ўтказасиз. Шахримизда фаолият кўрсатаётган «FZ-Computer» кичик корхонаси эса аҳолидан буюртма олиб, уларнинг дидига мос келадиган сифатли ва арзон уй жиҳозлари тайёрлаб бераётган жамоалардан ҳисобланади.



Айни иш қизғин бир паллада бу даргоҳга бордик. Кимдир ускунада ёғоч текисламда, яна кимдир катта бир ДСПга шакл беришда эди. Биз корхона раҳбари Сергей Злодеевни ишчилар орасидан топиб, мақсадимизни

айтдик. У киши корхонанинг асосий иш жараёни билан таништириб бўлганидан кейин унинг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

— Бизда чиқарилаётган мебел маҳсулотлари республикамизда ва чет элда тайёрланаётган шу каби маҳсулотлардан мутлақо фарқ қилади. Сабоби ушбу уй жиҳозларини ўзимиз ихтиро қилиб, ўзимиз ишлаб чиқарамиз ва сотамиз. Улар кўриб турганингиздек бир-бирини сира тақрорламайди. Ушбу маҳсулотларни тайёрлаётганимизга атиги икки йил тўлган бўлса-да, шу давр мобайнида ўттиздан ор-тиқ янги турларини яратиб, ишлаб чиқаришга тadbик этдик. Биз кўпроқ буюртмалар асосида иш олиб борамиз. Маҳсулотларимиздан стол, стул, парта, ишхона ва уй жиҳозлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Улар жуда оддий

усулда ва ранг-баранг қилиб тайёрланиши билан бирга нархи ҳам анча арзон. Шунингдек, бу жиҳозларнинг буюртмачининг дидига мослаб сифатли қилиб тайёрланган ҳолда хонанинг ўлчами, ранги ва бошқа жиҳатларига катта эътибор қаратилади.

Фаолиятимизнинг яна бир тури бу компьютерларнинг барча турларига техник хизмат кўрсатиш. Бу юмушларни иложи борица сифатли ва тез бажарамиз. Шунинг учун буюртмачиларимизнинг сони ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ихтиёри-мизда Американинг «KATUN» фирмасида тайёрланган уч мингга яқин эҳтиёт қисмлар мавжуд. Шунингдек, мутахассисларимиз ҳар қандай компьютерни аъло даражада таъмирлаб бера олади. Биз ушбу корхона фаолияти билан қис-

қача танишар эканмиз бу ерда маҳсулотларнинг сонигагина эмас, балки сифатига эътибор қаратилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг янги нусхадаги кўринишлари эса бошқа юртдошларимиз каби бизни ҳам мафтун этди.

Очил ҲАЗРАТОВ СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланаётган маҳсулотлардан намуналар.



ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва «Тошшаҳармаишияхизмат» уюшмасининг саҳифаси

Муस्ताқиллик тadbиркорликнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай имкониятлар яратяпти. Буни ҳар жабҳада, хусусан шу соҳада иш юритаётган корхоналарнинг кундалик ҳаётидан ҳам билса бўлади. Масалан, «Яккасаройтаом» яқин-яқинларгача хиссадорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиб келди. Ўтган йилдан бошлаб унинг таркибида янги корхона «Бехрузбек-Муслима» масъулияти чекланган жамият ташкил топди. Қуни кеча ушбу жамият раиси Ҳожибек Урмонов билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳожибек Урмонович, сиз билан Янги йилнинг кутлуғ биринчи ойда юз кўришиб турибмиз. Тилагимиз сиз бошлиқ янги корхонанинг дастлабки қадамлари ҳам кутлуғ келсин.

— Раҳмат.
— Ҳозир ташкилий жараён даври бўлса керак?
— Биринчи босқич ташкилий ишларни ниҳосига етказиб бўлдик. Ҳозир иккинчи босқич — корхона фаолиятини тақомиллаштириш устида иш олиб боряпмиз.

— Яъни қандай?
— Албатта, бирданига ишни янги соҳага бошлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун маълум тайёргарлик даврини ўташ керак. Хусусан биринчи навбатда ишни техникавий қурилмаларни янгиладан бошлаш лозим. Иккинчидан эса, бу замонавий техникаларни бошқаришни яхшилаб ўзлаштириб олиш керак. Бу нарса ўз-ўзидан ҳодимларимизнинг билим ва тажрибасини оширишни тақозо этади. Бу ишларни ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда ташкил этиш керакки, корхона ишчилари ойлик иш ҳақини ўз вақтида ва кечикмасдан олиб туришлари лозим. Бир сўз билан айтганимиз бўлса, ҳозир бу муаммо деярли орқадан қолган. Янги ва тўғри йўлга чиқиб олганмиз.

— Демак, янги давларда корхона юксалиш пилла-полярлари сари олдимақолади.

— Шундай дейишга асос бор. Шу ўринда, албатта, бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлаган шаҳар ва туман ҳокимлигига самимий сўзларимизни айтиб ўтишимиз даркор. Сабоби улар бизнинг тақлимимизни маъқуллабгина қолмай, балки ўзимизни тиклаб олишимизга ҳам ҳар томонлама ёрдам беришди. Бир мисол айтиш. Туманимиздаги 319-мактаб тўғрисида каттагина майдон ахлатхонага айланиб қолган эди. Шу жойни ўзлаштириш ҳақида туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Улар бизнинг бу тақлимимизга рози бўлишди. Шундан кейингина ишни бошлаб юбордик. Ҳозир бу жойда қурилиш ишлари жадал олиб бориляпти. Каттагина мажмуа бунёд этилмиш, бу жойда сартарошхонадан тортиб дорихонагача, машиналарга техник хизмат кўрсатишдан тортиб озиқ-овқат дўконларигача қад кўтарди. Бир неча таом-хоналар аҳолига хизмат кўрсата бошлайди. Мажмуани 1 март, яъни Наврўз арафасида ишга тушириш ниятидამиз.

— Сиз узок йиллардан бери савдо соҳасида ишлаб келасиз. Тажрибали мутахассис сифатида айтинчи, савдо хизматчисининг вазифаси нималардан иборат?
— У жуда кенг қамровли. Бунга ҳушмуомалалик, озодалик, ҳалоллик ва интизом каби хусусиятлар кирди. Бошқа

соҳа хизматчилари каби савдо ходимининг ҳам ўзига хос, унинг хизмат доирасидан келиб чиқадиган бурчлари бор. Афсуски, беш қўл баробар эмас. Лекин бу бурни ҳар ким ҳар хил бажаради. Биров уни тўла адо этади, баъзилар эса бироз ўзгачароқ. Бизнинг вазифамиз эса ҳар бир савдо ходимидан худди мана шу ҳолатларни содиқлик билан бажаришни талаб этиш ва уларга бу ҳақда жойларда кенг тушунириш ишларини олиб боришдан иборат.

— Сўнги вақтларда савдо нукталаридан харидор бироз қочгандек кўринади. Бунинг боиси нимада деб ўйлайсиз?
— Баъзи соҳа ходимлари бу ҳақда гап борса бунинг сабабини маҳсулотлар таннарихи билан боғлашади. Менимча бу унчалик тўғри эмас. Бунинг исботи учун иккита ошхонани бир-бирига таққослаб кўрайлик. Уларнинг бирида арзон, лекин сифатсиз таом тайёрланади. Иккинчисида эса бироз қimmat бўлса-да, овқати сифатли. Албатта, ҳўранда озгина бўлса ҳам соғина еиши мақсадда иккинчи ошхонага кўпроқ киради. Дўконлар ҳақида гап борганда ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Қайсики, дўконда маҳсулотлар бисёр бўлса, сифати аъло бўлса, ўша ер харидорлар билан гавжум бўлади. Энг муҳими, кундалик таомларни тайёрлашда ва маҳсулотлар сифатлиликка эришишда бир меъёрни ушлаб туриш лозим. Ундан сал четлашиб даражани пасайтирдигизми, ўша кундан бошлаб миқозлар сони камаё бошлади, бор-бор уларнинг қадами узилди. Емони шундаки, бу иллатнинг сабабини ҳеч қачон



Янгилашишлар даври

ўзимиздан қидирмаймиз, турли-туман баҳоналарни рўқча қиламиз. Бозор иқтисодиёти деймиз, одамлардан пул қочди деймиз. Буларнинг ҳақмаси беҳуда гаплар. Бир мисол келтирай. Заводская (ҳозирги Абдулла Қаҳҳор) кўчасидаги лағмонхонани билмаган одам қамдан кам топилса керак. Бу ерда нарх-наво ҳам сиз кутганчалик арзон эмас. Шунга қарамай кишини-ёзини лағмонхона ҳўрандалар билан гавжум. Нега? Сабоби таом сифатли тайёрланади. Ошхона ҳамшира озода, хизматчилар ҳушмуомала. Демак кўриб турибсизки, ҳўранда учун масофа чегара эмас, сифат чегара.

— Албатта, ҳар бир корхонанинг пешқадамлари, ил-ғорлари ўз касбининг усталари бўлади. «Бехрузбек-Муслима»да ҳам шундайлар қўллаб топилса керак?

— Жуда тўғри, бизнинг жамиятимизда ҳам элга хизмат қилиб, кўпчиликнинг дуосини олаётган инсонлар кўп. Хусусан, улар жумласига Мавлон Усмоновбек, Абдунаби Абдуҷабборов, Муҳаммад Азизов, Тамара Катаева сингарилири киритиш мумкин. Шунингдек, «Дилера бегим Дониёр», «Зи-лола» ва «Шарк эртақлари» каби корхоналарини ҳам шу рўйхатга бемалол киритса бўлади.

Энди асосий мавзуга қайтайдиган бўлсам, бизнинг касб кўринишидан оддий туолгани билан анча инжиқ, ўзига хос машаққатли касб. Унинг шарафли ва савобли дейлишининг ҳам боиси ана шунда.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ ошхонасининг олд томондан кўриниши.

СУРАТДА: «Новий гумбаз» ошхонасининг олд томондан кўриниши.

ШАХРИМ — ФАХРИМ

Бетакрор ва қулай

Энг улуг ва энг азиз байрам — Муस्ताқиллигимизнинг 10 йиллиги катта шодёнлар билан нишонланган 2001 йилда гайрат-шижоати балоғат метро қурувчилари ҳамшаҳарларимизни ўзларининг ажойиб совғалари билан хушнуд этишди. Тошкент метросининг «Юнусобод» йўналишидаги 7,2 километрли 6 та станция фойдаланишга топширилиб йўловчиларнинг узоғи яқин бўлди. Кириб келётган 2001 йил остионасида «Тошметроқурилиш» бирлшмаси бош муҳандиси Темур ЭШОНХУҲАЕВ ҳамшаҳарларимизни қизиқтириётган ушбу йўналишдаги кейинги бекатлар қурилиши ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

— Транспортнинг энг қулай, тезкор ва замонавий тури саналган метро йўловчилар ишончини тўла қозонмоқда. Шу боис ҳам бунёдкорларимиз томонидан бир неча йиллардан буён алоҳида куч-ғайрат сарфлаб қурилган янги

йўналишдаги 6 та бекатнинг ишга туширилиши катта воқеа бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бир-бирини тақрорламайдиган, ҳар бири ўзига хос жиҳозланган станциялар лойиҳачи қурувчилардан ўзгача маҳорат талаб қил-

ди десам асло янглишмайман.

Айни кунларда эса бирлшмамизнинг 2000 нафардан зиёд қурувчиси «Юнусобод» йўналишининг қолган учта — Файзулла Хўжаев, «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари қурилишига астойдил киришдилар. 4,5 километрик масофани ўз ичига олган ушбу бекатларни 2003 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Уларнинг қуриб битказилиши эса Юнусобод тумани аҳолиси ва ҳамшаҳарларимиз учун жуда катта қулайлик бўлади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ер ости қасри қурилиши бундан кейин ҳам давом этиб, 2003 йилдан эса туртинчи — «Сергели» йўналишида ҳам бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилади. Кетма-кет қуриб битказилаётган бекатлар эса шахримизга кўрқ, ҳамшаҳарларимизга эса беминнат қулайлик бўлади.

(Ўз муҳбиримиз)

ИҚТИСОДИЁТ

Ўқувчилар учун



«Фотон» 1995 йилда акциядорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг дунёнинг бир неча фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, янги турдаги замонавий электроника маҳсулотлари тайёрлай бошлади.

Хусусан, халқ ҳўжалигида кенг қўлланиладиган электрон касса аппаратлари, оқ-қора ва рангли телевизорлар, трансформатор, ярим ўтказгич асбоблари ва электр энергиясини тежовалари лампалар шулар жумласидандир.

Биз корхонанинг яна янги бир маҳсулоти бўлмиш ўқув-ўлчов кўргазма мажмуи ҳақида тўхтамқочимиз. Ушбу кўргазма мажмуи ўрта умумий таълим мактабларида, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юрталарининг техника йўналиши бўйича бошланғич курсларига қўллаш учун мўлжаллангандир. Хусусан, ундан дарс ўтиш жараёнида намойиш этилувчи материал сифатида лаборатория ишлари ўтказилаётган вақтда эса амалий қўлланма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, у ўқувчиларни физик жараён ҳамда ҳодисалар ҳақида аниқ ва чуқур тушунча ҳосил қилишга йўналтирилган кўргазмалар билан таъминлайди. Бу тўғрида корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Наталья Чесбытко шундай дейди:

— Сўнги йилларда биз ҳам бошқа корхоналар каби замонавий, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришдик ва бу мақсад йўлида изла-нишлар олиб бормоқдамиз. Ўқув-ўлчов кўргазмалари ҳаётга тadbик этилди. Ушбу мажмуа замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, у «Физика», «Радиоэлектроника» ва «Электротехника» фанлари бўйича ўттизга яқин мавзуларни ўрганишни таъминлайди, электр схемаларида бўладиган физик жараёнларни кўргазмалари намойиш этиш имконига эга. Умуман олганда у ўрганилаётган масалани чуқурроқ ўрганишни таъминлайди. Биз мажмуани тайёрлаш билан бирга ундан фойдаланиш бўйича ўқув қўлланмасини ҳам бира тўла ўзбек ва рус тилларида нашлаб чиқардик.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТДА: ўқув-ўлчов кўргазмалари мажмуи-дан фойдаланиш усуллари намойиш этилмоқда. Сергей Любич олган сурат.

Алоқа воситалари янгилашмоқда

рақамли станцияларига ўтиш ишларини амалга оширишга муваффақ бўлдик. Шубҳасиз, телефон алоқаси сифатида бўлган замонавий талаблар кескин тарзда ошди. Янги технологиялар нафақат амалга оширилган кўнгирокларнинг миқдори ва эфир вақтини ҳисобга олиш, балки абонентларни нафақат республикамиз ва МДХ мамлакатлари бўйича, балки узок хориз давлатларига улаш тезлигини оширишга ҳам имкон беради. Рақамли коммунгацация станциясининг кенгайтирилиши муносабати билан декабрь ойида ARM-20 станцияси фойдаланишдан чиқарилади.

Шуни таъкидлаш керакки, янги рақамли станцияларнинг ишга туширилиши муносабати билан шаҳарнинг айрим маълумот бериучи хизматлари телефонларини ўзгартирдик. Табиийки, шунга мос равишда умумий технологик жараён ҳам ўзгарди. Ҳамшаҳарларимизга шуни эслатиб ўтамизки, ярим йилдан буён шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашуварига буюртма беришнинг «07» ва «007» маълумот хизматлари фаолият кўрсатмаяпти. Шу сабабдан, тезкор алоқа тизимидан фойдаланиш ва сўзлашуварига буюртма бериш мақсадида ҳамда навбатчи оператор узилмаган ҳолда абонентларни улаши учун 8-191 ва 8-194 рақамларини териш лозим бўлади. Республика, МДХ ва узок хориз мамлакатлари қодлари бўйича бошқа ҳар қандай маълумотларни аҳоли 144-39-31 ва 144-07-65 телефонлари орқали олишлари мумкин бўлади.

Жорий йилга режалардан эскириб қолган автоматик станциялардан давр талабларига жавоб бериучи, абонентларни янада сифатлироқ ва тез алоқа билан таъминлаш имконини яратувчи рақамли станцияларга ўтиш ишларини давом эттириш ҳам ўрин олган. Бундан ташқари телеграф алоқаси хизматларини курсатуви асбоб-анжомларни янгилаш ниятларимиз ҳам бор.

Ушбу янги техника интернет ва электрон почтаси хизматларидан фойдаланишга имкон туғдиради. Албатта, технологик жараёнларни қайта таъмирлаш ва автоматлаштириш бўйича ишлар ҳам давом этир-илади. Натигада ходимларимизнинг фаолиятлари анчагина энгилашади.

Яна бир марта таъкидлашни истардимки, бевоисита ишлаб чиқариш муаммоларидан ташқари бизнинг диққат марказимизда ходимларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳам турибди — маошларни ошириш, улар томонидан олинган акцияларга дивидендларни узлуксиз тўлаб борапмиз. Ва биз бир нарсани доимо ёдда тутамиз — жамоанинг фаолиятига нафақат бизнинг давлатимиз аҳолиси, балки бошқа мамлакатларга сифатли телефон хизматларини кўрсатиш ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бизнинг телеграф-телефон станциямиз Ўзбекистон Республикасида бош станция ҳисобланади ва ушбу юксак маррани келажакда ҳам бушаптирмасликка ҳаракат қиламиз.

(Ўз муҳбиримиз)

Моҳир қўллар

«Тошшаҳармаишияхизмат» уюшмасига кўнгирок қилиб навбатдаги «Элга хизмат — олий Ҳиммат» саҳифамизда пойтахтимиздаги энг намунали тикувчилик устахонаси ҳақида мақола ёзиш истагимиз борлигини билдирдик.

— Бунақа корхоналар бизда кўпай топилди, — дейиши у ердигилар. — Масалан 2-Сергелида жойлашган 8-модлар ателеси ҳақида ёзишимиз мумкин.

Сергели анча олислигини айтиб, шу яқин атрофдаги шундай корхоналардан бирини танлаб беришларини илтимос қилдик.

— Бошқалар ҳақида ҳам ёзишимиз мумкин. Лекин сизга биз энг намуналигини тавсия этяпмиз, — деган жавобни эшитдик.

Тақлифга рози бўлдик. Сергелининг эски бозори рўпарасида жойлашган бу корхонани топиш унча қийин бўлмади. Клавдия Нико-невна Ахмедова раҳбарлик қилаётган устахонада ҳамма-си бўлиб 18 тикувчи хизмат қиларкан.

Эшиқдан чиқиб келётган биринчи буюртмачини суҳбатга тортидик.

— Узим Юнусободда тураман, — дейди Мазлума Халиқова. — Орадаги масофа анча узок бўлишига қарамай, шу корхонанинг фаол миқозиман. Сабоби бу ерда ўз касбининг усталари бўлган тикувчилар ишлашади. Улар буюртмангизни вақтида ва сифатли бажариб беришади.

Яна бир буюртмачи Азиза Ҳакимовани тикувчи Лю-бовь Валентиновна Лобичева билан мулоқотда учратдик.


— Бу ерга турли буюртмалар билан тез-тез қатнаб тураман, Люба она билан қадрдон бўлиб кетганми. Барча буюртмаларини шу аёлга

топишарман. Кўнгилдагидек бежирим ва чироийли қилиб тикиб беради.

Корхона фаолияти билан танишидик. Буюртмаларни қабул қилиш хонаси, бичиш устахонаси, кийимларни ўлчаб кийиб қўриш хонаси одамлар билан гавжум.

Тикувчилик шеҳи — корхонанинг юраги ҳисобланади. Бу ердан ўрин олган замонавий техникаларни мохир қўллар бошқаради. Тикув машиналари бир зум тинмайди. Ҳамма ўз иши билан банд. Бугун эътибор тиклаётган буюртмани сифатли тайёрлашга қаратилган.

Чарм пальто тикётган аёл диққатимизни ўзига тортиди. Саноат Рашидова чарм маҳсулотларини тикиш устаси экан.



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Икки хил манзара»

Газетанинг 2001 йил 21 ноябрь сонига юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилган эди. Яқинда таҳририят ушбу мақола юзасидан «Тошшаҳармаишияхизмат» уюшмаси раиси Саидумар Аълов эмзиси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди.

—Ушбу мақола юзасидан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Озода-сервис» масъулияти чекланган жамиятига

берилади, — дея уни тўлдирди Халима Юсупова. Буюртмаларнинг бажарилиши мuddати билан қизиқдик.

— Тариф бўйича пальто, костюм-шим, шунингдек, чармли буюртмалар 18 кунда тайёрланиб эгасига топширилади, — дейди устахона бошлиғи Клавдия Нико-невна. — Лекин биз миқозлар вақтини тежаш маъносиди бу мuddатни 10-12 кун қилиб белгиланганмиз. Тезкор буюртмалар эса уч кунда бажарилади.

Бошқадан пешқадим тикувчилар ҳақида сураганимизда у қулиб: «Бизда ҳамма пешқадим, тикувчиларимизни бир-биридан камситиб бўлмайди. Ҳамшира улар режаларини ортиғи билан бажаришади. Ойлик машо-лар ҳам шунга яраша бўлади», деб жавоб берди. Суҳбатимиз давомиде Наталья Мехнок, Любовь Лобичева, Насиба Раимова, Саноат Рашидова, Халима Юсупова-ларнинг номини тез-тез тақрорлаб тургани учун биз ҳам бу ўринда бошқа тикув-чилар меҳнатини камситма-ган ҳолда юқоридаги ном-ларни келтирдик, ҳолос.

Сафаримиз охирида хозиргина тайёр булган костюм-шимни қўлига олган Комил Жураевнинг фикрини билдиши истадик.

— Тикувчиларга раҳмат. Буюртмани аъло даражада бажариб беришди.

Моҳир қўли тикувчилар ишлаган жойда миқозлар сони ортиб буюртмалар мохирона адо этилишига ишонч ҳосил қилдик. Уюшма раҳбарияти бизга шу устахона ҳақида ёзишни бе-жиз тақлиф қилмаганимизнинг сабабини шунда билдик.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТДА: чевар ва ми-жоз мулоқотда.

қарашли кимёвий тозалаш шохобчасида йиғилиш ўтказилди. Мақолада кўрсатиб ўтилган муаммолар жамоа аъзолари билан яқиндан таништирилди. Кийим қабул қилувчилар йўл қўйилган камчилик юзасидан тушунириш бердилар.

Шу билан бирга жамият аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги «Аҳолига майиш хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарори ва «Ўзбекистон Республикаси аҳолига майиш хизмат кўрсатиш қондалари билан яна бир бор таништи-риб ўтилди».



2002 — КАРИЯЛАРНИ

КАДРЛАШ ЙИЛИ

Хаяжонли

дийдорлашув

Сизларни кўрганда
Тўлар бағримиз,
Очилар офтобдай кўнгили,
Бағримиз,
Тошади дарёдай меҳр
Наҳримиз,
Нурафшон бўлади
Кишлоқ, шаҳримиз,
Фахрийлар — фахримиз,
Хамкорларимиз,
Эзгулик ишларга
Тайёрларимиз!

Дарҳақиқат, шундай. Фахрийлар — бизнинг фахримиздир. Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фўқаро муҳофазаси институти, Тошкент шаҳар ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармалари ташаббуси билан узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган уруш ва меҳнат фахрийларининг унутилмас учрашуви ушбу фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, ички хизмат генерал-майори Р. Хайдаров улкан ҳаётий таъриби ва амалий билим эгалари бўлган устоз ва мураббий нуронийларни дорилмомон кунлар билан табриклаб, уларга хуш кайфият, мустахкам соғлиқ, бардамлик, кундалик хайрли ва савобли ишларида омадлар тилади.

Учрашувда соҳа даргаларидан Собиржон Охунжонов, Юсуф Бозоров каби бир гуруҳ фахрийларга «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари 10 йил» эсдалик нишони ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бир пиёла чай даврасида янграқ куй ва мусика садолари кечага фойз киритди.

Бундай ибратли тадбирдан кўкси тоғдек кўтарилган фахрийлар учрашув ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришди. Зеро, бундай унутилмас лаҳзалар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, фидойилик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Искандар РАҲМОН, Қуроли Кучлар фахрийси.

АНЖУМАНЛАР

Муносиб фарзанд камоли

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси «Оила — маҳалла — мактаб» концепциясини ҳаёtgа татбиқ қила бориб Собир Раҳимов туманидаги 24-мактабда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорликда «Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги муносиб фарзанд камоли» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Унда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамда шаҳар «Оила» маркази ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг биргаликда жорий йилдаги иш режаси тузилди. Ушбу анжуманда мактабнинг «Нафосат» қизлар клубининг очiq машғулотли намойиш этиди ҳамда маҳаллалардаги ибратли оилаларнинг қайнона-келиндарни қизларга ҳаёт таърибаларидан, муомала ва кийиниш маданияти хусусида маслаҳатлар бердилар, қизларни қизқирган саволларга жавоб кайтардилар.

Шундан сўн анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича шўба-ларга бўлиндилар. «Қизлар соғломлиги — оналар бахти», «Она-ю бола гулу лол», «Сен Оила кодексини биласанми?», «Фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли» мавзуларида беллашув ва очiq машғулотлар ўтказилди.

«Сен Оила кодексини биласанми?» мавзусида беллашув анжуман қатнашчиларининг тақлифи билан шаҳримизнинг барча мактабларида ўтказишга келишиб олинди, — деди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг етакчи мутахассиси С. Абдурахмонова. — Анжумани ўтказишда Ота-оналар университети раиси, Ўзбекистон Миллий университети педагогика кафедраси мудир, профессор Е. Раҳмонова, 24-мактаб ўқитувчиси З. Тулағановаларнинг ҳиссалари салмоқли бўлди.

Илмий-амалий анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахмонова сўзга чиқди.

(Уз муҳбиригимиз)

радаги «дамдин-дамга» бирикмаси ва узоқлашиб, тортишиб, қочиб маъносидаги «жигиноб» сўзи иккинчи мисрадаги «кундин-кунга» бирикмаси ва «кинлашиб», дўстлашнинг билдирувчи «улфат» сўзи билан) ҳолатининг ноҳуш даражасининг бўртиб намоён бўлишини, фикр равшанлигини таъминлаган:

Ваҳки, дамдин-дамга мендин ёрларга ижтиноб, Гарчи кундин-кунга ортуғдур аларга улфатим.

Тахлил этилган байтлардан кўринадики, Навойнинг бу газали қарилганда, қаровсиз кексаллик уқубатлари ва ёлғизлик ҳиссиётидан анъанавий мазмун-руҳда шикоят этувчи йиги оҳангидеги намуналардан жидаий фарқ этади. Лирик «мен»нинг кечинмалари ҳаётий, ишонарли, у самимий ва ҳолисона фикр юрилади. Жумладан, «мен» ёшларнинг, дўсту биродар-

«Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам соч-соқолнинг оқариши кексайишнинг аниқ белгиси, деган мазмунни ифода қилар экан, шоир мазмунан келтирилган байтдагидек гўзал ташбиҳни қўллаган эди:

Соқол оқи ўлумга пешравдур, Тириклик сабзаси узра қировдур.

«Соқол оқи»нинг тириклик сабзаси — майсаси устига тушган маҳв этувчи «қиров»га қиёслаш худди «кўм-кўк ўт устига ётган қор» ташбиҳи каби Навойнинг шоирона топқирлигига ишончи далил бўлиб, унинг юксак бадиий маҳоратини намойиш этади. Фазалнинг кейинги байтидаги астиора ҳам жуда гўзал ва ҳаётий: романтик бўёқларда битилган биринчи мисрада боғ саҳнидаги хушбичим сарв дарахти ва унинг ёнида қингир-қийшиқ, ҳар томонга тарвақайлаб кетган тоқ манзараси чизилади. Иккинчи мисрада гўзал маъшуқа қомати уша сарв билан, ошмиқинг эгик, букири қадди эса уша қари тоқ билан қиёсланади ва оқибат натижада ёшлиқ, навқиронлик билан қарилик, нотаъонлик ўртасидаги ташқи катта тафовут газалхон назари олдига бутун борлиги билан яққол гавдаланади:

Бог аро сарви сихий ёнида кўрдум эски ток, Бўлди туз бўйлуғлар ичра ҳам қадимдин ибратим.

Ун бир байтли газалнинг кейинги беш байти мазмун ва оҳанг жиҳатидан олдинги олти байтдан сезиларли фаркланади. Кўпроқ ички монолог тарзида битилган бу қисмда йигитлик ва кексаллик «муаммоси», улар ўртасидаги номувофикликлар ҳақида умуман сўз бормайди. Эндилекда кексалликни узил-кесил тан олган «мен»нинг — муаллиф шахсиятининг ички кечинмалари, руҳий изтироблари, умр ва ибодат юзасидан фикру андишалари баёни, шунингдек, «кўнгул»га хитоб билан қолган умрни тавба ва тоатда ўтказиш лозимлиги таъкиди олд ўринга кўтарилади. Бу қисм ўз мазмуни, руҳи ва оҳанги билан яратувчиға муножот ва илтижо йўналишида битилган махсус газалларга жуда яқин. Шоир кетма-кет уч байт давомида ўзининг эллиқ ёшга кирганлигини таъкидлар экан, куч-қувватдан қолганлигини сўзлайди, босиб ўтилган йилларни «исён»да — диний кўрсатмаларга итоат этмай ўтказганидан фиғон чекади, қолган умрни, эллиқ ёшда ёзган бошқа газалларида бўлгандек, «гўша тугуб», «сокин бўлуб» тоат-ибодатга бағишлаш лозимлигини «кўнгул»га хитоб орқали таъкидлайди:

Эй кўнгул, тут гўшае эмди ибодат қилгали, Қилмоқ истар бўлсанг эллиқ йилга бўлгон хурматим.

Чунки эллиқ манзил ўтти умрдин, сокин бўлай, Не учунким, эмди йўқ сурьат қилурга қуватим. Неттим эллиқ йилда жуз исёнки, эмди неткамен, Ёна эллиқ йилгача туттумки, бўлса муҳлатим.

Яқунловчи икки байт бевосита Тангрига илтижо ҳамда унинг авфу шафқат ва лутфу қарамидан («бахри гуфрон») умидворликни ифодалайди. Улар мазмунан ва услубан, тил жиҳатлари ва оҳангига кўра, анъанавий муножот газаллари байтларидан сира фарқланмайди:

Лутф этиб, ёрабки, иймон бойлиги қилгил насиб, Ким ҳалоқ этмиш амал муфлисигидин хижлатим.

Эй Навоий, гам емаким, баҳри гуфрон урса мавж, Тенгри лутфидин не мумкин жуз умиди раҳматим. Эллиқ ёшда ёзилганлиги аниқ қайд этилган газаллар байтларидаги ижтимоий фаолликдан воз кечиб, узлатга кечиниш каби даъватлар муносибати билан шуни айтиш керакки, уларда аниқ режа, узил-кесил пиширилган ниятдан кўра умуман шеърятдаги қарилик ва ундан шикоят мазмуни учун анъанавий бўлган руҳ ва кайфиятнинг таъсири устунлик қилади. Аслида эса Навоий «гўша тутуш»га ҳам, «сокин бўлиш»га ҳам асло интилмадиғина эмас, балки, аксинча, бу газаллар битилган эллиқ ёшдан кейинги умрида ҳам бутун мамлакат ва давлат миқёсида қизгин ижтимоий-сиёсий фаолликда бўлди, умрининг сўнгги дақиқаларига чатинмай ижодий иш билан шуғулланди. Унинг эллиқ ёшдан кейин ҳам халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида қўлаб хайрли ишларни амалга оширганлиги, сон-саноксиз шеърый асарлар, «Лисон ўт-тайр», «Маҳбўб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-лугатий», «Мезон ул-авзон» каби йирик асарлар, шунингдек қатор илмий, тарихий, фалсафий тадқиқот ва рисоалар яратганлиги ана шу самарали фаолиятнинг ишончи далилидир.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ, филология фанлари доктори, профессор.



561

нинг ўзига нисбатан оқибатсиз, бемехр муносибати учун қораламайдик, юз ўтирган «ёрларни» айбламайди, аксинча, бир ростгўй, одил шахс сифатида бундай ҳолатни табиий жараён деб қабул қилади, уларни тамоман «муҳиқ» — ҳақ деб тан олади. «Тааммул айломқ» — чуқур ўйламоқ, диққат билан ҳар томонлама мулоҳаза юритмоқ шундай хулосага асос беради:

Гар тааммул айласам, воқеъ, муҳикдурлар алар, Не учунким, ҳеч қолмайду аларга нисбатим.

Фазалнинг кейинги байтларида ана шу «нисбат» — тенглик, аллоқдорлик, баробарликнинг «қолмаган»лиги ишонарли далилланади, ҳаётий ва табиий нисоллар воситасида шарҳланади. Навоийнинг соч-соқолнинг оқаришини (шахсининг кексайишини) гурираб-яшаб турган кўм-кўк майса устига ётқан қорға уша-тиши ниҳоятда ҳаётий ва эсда қоларликдир. Қуйдаги мисраларни ўқиган газалхон кўзи олдига шоир тасаввуринидаги лаҳза жуда аниқ чизикларда жонли гавдаланади:

Мушк чун кофур бўлди — ёғди ўт устига қор, Хатти мушкин бирла ўтлуг юзга нетсун рағбатим?! Тим қора ва хуш исли нарсани билдирувчи «мушк» мисрада ўз лугавий маъносини ўзгартириб «ёшлиқ, йигитлик, навқиронлик»ни ифодалаб келган, оппоқ рангини билдирувчи «кофур» эса соч-соқоли оқарган қарияга ишора этади. Шу тарихи «мушк»нинг «кофур бўлиши» — йигитнинг кексайиши демакдир. Иккинчи мисрадаги «хатти мушкин» ва «ўтлуг юз» иборалари ёш йигитлар ва гўзал машуқаларни билдиради.

Урни келганда айтиб ўтайликки, сўз юрийтилаётган газалдан олти йил аввал яқунланган

«Сен учун» номли қўшигим билан қатнашди. Айнан шу қўшигим ижросидан кейин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Руслан Шарипов ҳамкорликда ишлаб менга устозлик қила бошлади. Устозларимдан Маъмура Қурбонова ва Олия Халиқоваларнинг ўғитлари қўшиқчилик сирларини янада мукамал эгаллашмида, чиройли қўшиқлар билан мухлисларим қалбини ром этишимда ўрни беқиёс.

2001 йил хотиранда кинотасмага тушган йилми сифатида қолди. Россиялик режиссёр Спивак «Шарқ малikasi» номли фильмининг Бухоро — Хива — Самарқанд — Москва шаҳарларида суратга олди. 2002 йилдан умидларим катта. Ушбу йилда мен қўшиқчилик сирларини янада чуқурроқ эгаллаш ниятидаман.

Янги қўшигимнинг, аникроги яратилаётган йил неча қўшиқларининг шеъри Мухаммад Юсуфиники. Бизнинг шоир билан ҳамкорлигимиз бе-шафқат ўлим тўғайи узилиб қолди. Шундай қўшиқ яратишни хоҳлардимки, унда миллийлигимиз уфуриб турса, қўшиқсевар ёшу қарининг қалбини жунбуша келтирса...

Биз янги йилда ёш хонанда Сўғдиёна Мирзаевага ижодий парвозлар тилаб, мухлисларни қўлайлигига тилаб билдирамиз. Мухаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Шартли сарлавҳа ўрнига чиқарилган сўзлар билан бошланувчи ушбу газал Навоийнинг ўзи томонидан «қирқ бештин олтмиш яқингача» бўлган ижодий фаолиятнинг маҳсули сифатида тасниф этилган «Фавойид ул-қибар» девонидан ўрин олган. Газал яқора, яъни бошдан оёқ фақат бир мазмуни бадиий таҳлил этувчи газаллар туркумига кирарида ва кўп жиҳатдан таржimai ҳол йўналишида битилган. Айтиш керакки, ўзини қариган, умрининг асосий қисмини яшаб бўлган, деб ҳисоблаш ва бундан буюн қизгин ижтимоий фаолиятдан сақланиб, асосан ибодат билан шуғулланишга даъват шоирнинг эллиқ ёшда ёзилган бешчала газалида у ёки бу даражада бадиий ифодасини топган. Бундай мазмун-кайфият биз шарҳлашга киришадиган газалда, айниқса, ёрқин юзага чиққан:

То йигит эрдим, қариларга кўп эрди хидматим, Қариган чоғда йигитларга огирдур суҳбатим.

Не учун бўлдум кичик ёшлиғлар ичра кўп сақил, Гарчи, кўп зоҳир дурур синн касратидин хиффатим?

Ваҳки, дамдин-дамга мендин ёрларга ижтиноб, Гарчи, кундин-кунга ортуғдур аларга улфатим.

Гар тааммул айласам, воқеъ, муҳикдурлар алар, Не учунким, ҳеч қолмайду аларга нисбатим.

Мушк чун кофур бўлди — ёғди ўт устига қор, Хатти мушкин бирла ўтлуг юзга нетсун рағбатим?! Бог аро сарви сихий ёнида кўрдум эски ток, Бўлди туз бўйлуғлар ичра ҳам қадимдин ибратим.

Эй кўнгул, тут гўшае эмди ибодат қилгали, Қилмоқ истар бўлсанг эллиқ йилга бўлгон хурматим.

Чунки эллиқ манзил ўтти умрдин, сокин бўлай, Не учунким эмди йўқ сурьат қилурга қуватим.

Неттим эллиқ йилда жуз исёнки, эмди неткамен, Ёна эллиқ йилгача туттумки, бўлса муҳлатим.

Лутф этиб, ёрабки, иймон бойлиги қилгил насиб, Ким, ҳалоқ этмиш амал муфлисигидин хижлатим.

Эй Навоий, гам емаким, баҳри гуфрон урса мавж, Тенгри лутфидин не мумкин жуз умиди раҳматим.

Шарҳи ҳол услубида бевосита шоир «мен» номидан битилган бу газал мазмунан ниҳоятда ҳаётий, тили раван ва ҳозирги замон ўқувчилари учун ҳам тушунарли. Шу боис ҳар бир байтни алоҳида кенг шарҳлашни ортиқча деб биламиз. Чиндан ҳам, биринчи байтни олайлик. Муаллиф «мен»и йигитлик йилларида қариларга хурмат-эҳтиром билдириб, доимо улар хизматида бўлганлигини манумянати ва қониқиш билан эслар экан, эндилекда — ўзи қариган чоғда ёшларнинг унга нисбатан хурматсиз муносибатида, жумладан, суҳбати, мулоқоти уларга оғир ботаётганидан таъна оҳангидеги шикоят қилмоқда.

То йигит эрдим қариларга кўп эрди хидматим, Қариган чоғда йигитларга огирдур суҳбатим.

Бундай руҳий ҳолат — қариялар билан ёшлар ўртасида «тушунмовчилик» ҳар бир жамиятда ва деярлик ҳар бир қария учун асло бегона эмас. Худди шу боис газал, мана беш аср давомида, ўз долзарблигини ва таъсир кучини йўқотмаган. Фазалнинг аввалги олти байтида қариялар ва ёшлар муносибати мавзуси ҳаётий лаҳзалар, манъикий далиллар воситасида турли қирраларда изчил очила боради. Иккинчи байтда лирик «мен» — қариянинг ёшлар даврасига синасалиги, улар билан қовуша олмаслиги кўриниши бир-бирига зид тушунчаларни ифодаловчи «сақил» (оғир) ва «хафиф» (енгил) сўз — тимсолларни воситасида очилади: ёш ўтиши («синн касратин») сабабли кичрайиб, қушидай енгил тортганлигим равшан бўлса-да нечун кичик ёшлиқларга оғирлигим тушади, деб кўюнади лирик «мен»:

Не учун бўлдум кичик ёшлиғлар ичра кўп сақил, Гарчи кўп зоҳир дурур синн касратидин хиффатим?

Кейинги байтда фақат ёшларнинг эмас, балки «ёрлар» — дўсту биродарларнинг ҳам қартайгандан ўзларини четга тортишлари, борган сари узоқлашишлари ҳақида дардли мулоҳазалар баён этилади. Байтда шоир қўллаган таъносиб ва тазод бадиий санъати (биринчи мис-

муваффақиятли тамомлади. — Кўшиқ айтиш, рақсга тушиш жону дилим, — дейди Сўғдиёна. — Санъатга муҳаббатим онажонимдан ўтган. У киши кўп йиллардан буюн «Ассалом қуёш» ансамблининг бадиий раҳбари ҳамда менинг энг

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари

«Умид юлдузлари» совриндорлари